

**ШАРТНОМА № 248**  
( Транспорт хизмати кўрсатиш тўғрисида)

«19» октябрь 2022 йил

Наманган шаҳар

Бизларким, куйида имзо чекувчилар бир томондан «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамияти номидан устав асосидаги Жамият Бошқаруви раиси Махмудов Акмал Фарходович келгусида «Буюртмачи» деб юритилади, иккинчи томондан “TRADE ACTIVES” МЧЖ раҳбари Ф.Умаров кейинги уринларда «Бажарувчи» деб юритилади ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздик:

**2. Шартноманинг мазмуни**

1.1 «Бажарувчи» 18.10.2022 йил кунги №161724-сонли электрон лотга асосан, Андижон вилоятида жойлашган “Улуғнор ДҚҚШ”дан "Намангандонмахсулотлари" акциядорлик жамияти бош элеваторига ўзига тегишли давлат рақами 50 172 DBA , 50 169 DBA 50 935 АВА бўлган юк машиналарида (470 000 000 сўмлик) буғдой ташиш хизмати ташиш хизмати амалга ошириш, «Буюртмачи» эса ташиш хизматлари учун тўлов қилиш мажбуриятини олади.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари.**

2.1 «Бажарувчи» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- Юкни белгиланган жойга етказиб бериш муддатидан кечиктирмасдан тайинланган жойга етказилади.
- автомашинанинг техник жихатдан тўла созланган ҳолда иш хизматларни сифатли бажаради.
- автомашинанинг суғуртаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, техник таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан амалга оширади.
- автомашинада ҳаракат хавфсизлигини учун ўзи жавоб беради.
- автомашинага турли йўллар билан зарар етказилса ёки авария ҳолатлари бўлса ўзи жавобгар бўлади.

2.2 «Буюртмачи» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- автомашинани тегишли йуналишлар асосида тўла иш билан таъминлайди.
- транспорт воситалари бериш жойига етиб келгунга қадар юкни ташишга тайёрлаб қўйиш (идишларга жойлаш, юкни ташиш ҳужжатлари, юкни юклаш ва тушириш жойларига автомашинага ўтиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар ва ҳоказоларни тайёрлаб қўйиш);

**4. Юк ташиш нархи ва ҳисоб китоблар тартиби**

3.1 «Буюртмачи» бажарувчининг кўрсатган хизмати учун молия вазирлиги томонидан тасдиқланган прејскурант асосида ҳақ тулайди.

3.2 «Буюртмачи» бажарувчининг бажарган хизматлари суммасини пул ўтказиш йўли билан тулаб беради.

**4. Томонларнинг жавобгарлиги.**

4.1. Томонлар мазкур шартнома шартларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига асосан жавобгар бўладилар.

## 5. Низоларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар уларни судгача ҳал этиш чора тадбирларини кўрадилар. Томонлар ўртасида келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

## 6. Форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш.

6.1. Томонлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч ёки шартномани бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилингани туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганини исботласа, жавобгар бўлмайди.

6.2. Форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари ҳамда уларни аниқлашда ҳар бир тараф қатнашиши шарт.

## 7. Яқунловчи қоидалар.

7.1. Шартномага томонларнинг келишуви билан ёзма равишда қўшимча ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномса ҳамда унга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва 2023 йил “27” июль ойигача амал қилади.

7.2. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. 6.4 Шартнома бир хил кучга эга булган икки нусхада тузилди ва томонларда бир нусхадан сакланади.

## ТОМОНЛАР ЮРИДИК МАНЗИЛГОХЛАРИ:

### «БУЮРТМАЧИ»

“Намангандонмахсулотлари” АЖ

наманган ш, Темирийул кучаси, 5 уй

Х/Р: 202010000300208345001

АТБ «Агробанк» Давлатобод булими

МФО: 00259 ИНН: 200048234



А.Маҳмудов

### «БАЖАРУВЧИ»

“TRADE ACTIVES” МЧЖ

Наманган ш.Косонсой кўча 26 уй

Х/Р 20208000505262972001

ХА Траст банк Наманган филиали

МФО:01060 ИНН:307625521



Рахбар

Ф.Умаров